
“ЯНГИЛАНАЁТГАН ЖАМИЯТДА ЁШЛАРНИНГ ЎРНИ”

 Жорий йилнинг 23 июнь куни “Ватанпарвар” ташкилоти Данғара тумани ЎСТКда “Темир дафтар” ва “Ёшлар дафтари” вакилларида иборат таълим олаётган 17-гуруҳ ўқувчилари билан ижтимоий-маърифий тадбир ташкил этилди.

Унда асосий эътибор “Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ўрни” йўналиши бўйича “Янгиланаётган жамиятда ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ошириш ҳамда мамлакат тараққиётига дахлдорлик туйғусини шакллантириш” мавзусида Республика Маънавият ва маърифат маркази туман бўлими бош мутахассиси ҳамда Ватанпарвар ташкилоти туман ўқув-спорт техника клуби маъсул раҳбарлари иштирокида семинар-тренинг ўтказилди.

 Мазкур тадбирда ҳозирги жамиятдаги ижтимоий-сиёсий жараёнлар билан таништириш, турли ижтимоий шароитларда ўз ўрнини тўғри белгилаш масалалари бўйича машғулотдан ташқари вақтда ҳозирги долзарб ижтимоий-иқтисодий масалалар юзасидан фикрлар алмашилди.



Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг

[Facebook](#),

2021-06-24 12:58:56